O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 19 апрель ШАНБА

№ 30 (12.041)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

www.th.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

18 АПРЕЛДА Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари ҳар томонлама муҳокама қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан шу йил 8 февралда республика ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулотнинг 8,1 фоизга, саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг 10,6 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмининг 4,8 фоизга, қурилиш ишлари ҳажмининг 5,0 фоизга, чакана товар айланмасининг 12,7 фоизга, пулли хизматлар ҳажмининг 19,8 фоизга ўсишини таъминлаганлиги қайд этилди.

Ташқи савдо айланмаси барқарор юқори суръатларда, энг аввало экспортнинг 56,1 фоиз даражасида ўсиши ҳисобига ошмоқда. Давлат бюджети профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

2008 йилги Инвестиция дастурини, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш дастурларини амалга ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар инвестициялар ҳажмининг 41 фоизга, шу жумладан тўғридан-тўғри инвестицияларнинг 56,8 фоизга ўсишига кўмаклашди. Жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида "Женерал моторс Ўзбекистон" қўшма корхонасида янги моделдаги "Нексия-2" автомобилини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, 105 та ишлаб чиқариш объекти, шу жумладан Помуқ конида қўшимча сиқиш компрессор станцияси, "Тагус текстиль", "Само Шертекс" қўшма корхоналари ва "Байпак" хорижий корхонаси тўқимачилик корхоналари, "Қизириқ Зарафшон ун" қўшма корхонасида ун ва "Қувасой қурилиш" масъулияти чекланган жамиятида шифер ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 фоизга ўсди. Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар ҳажми 269 миллиард сўмни ташкил этди ёки ўтган йилнинг биринчи чорагига нисбатан 39,8 фоизга кўпайди.

Мақсадли комплекс дастурларни амалга ошириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар ҳисобот даврида қарийб 170 мингта янги иш ўринлари яратиш, шу жумладан хизматлар ва сервис соҳасида 67 мингтадан ортиқ, касаначиликни ташкил этиш ҳисобига 55 мингта иш ўрни ташкил қилиш имконини берди.

Ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга, улар учун янги иш ўринлари барпо этишга, ёш оилаларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилашга, ёшларнинг таълими сифатини юксалтиришга йўналтирилган "Ёшлар йили" Давлат дастури тадбирларини амалга ошириш юзасидан фаол чора-тадбирлар кўрилди. Ушбу мақсадлар учун жорий йилда 1,5 триллион сўм ажратиш назарда тутилмоқда. Қуролли Кучлардаги хизматдан қайтган 3,2 минг нафар ёшлар ишга жойлаштирилди. Қишлоқ жойларда ёш оилаларга қорамол сотиб олиш учун 1,4 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Мажлисда 2008 йилги Инвестиция дастурини, шунингдек иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш дастурларини амалга оширишнинг бориши ҳар томонлама муҳокама қилинди. Қишлоқ ва сув хўжалиги, нефть-газ, кон-металлургия тармоқларида, қурилиш материаллари саноатида айрим инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тасдиқлашни ва уларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб этишни тезлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш якунлари бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари олдига ишлаб чиқаришнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини сўзсиз таъминлашга, 2008 йилги Инвестиция дастурига ҳамда модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш тармоқ дастурларига киритилган объектларни ўз вақтида ишга туширишга, ушбу мақсадлар учун инвестицияларни, энг аввало тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга йўналтирилган зарур чора-тадбирлар кўриш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жорий йил 15 апрелда Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан ишончли таъминлаш масалалари республика ҳукумати мажлиси қатнашчиларининг диққат-эътиборида бўлди. Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашнинг ҳолати вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича ҳар томонлама таҳлил қилинди.

Республика ҳукумати томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар аҳолининг ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларининг кафолатли қондирилишини таъминлаётганлиги қайд этилди. Республиканинг ишлаб чиқариш салоҳияти ҳамда дон, ун, ўсимлик ёғи ва бошқа турдаги асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг шакллантирилган ишончли захиралари, улгуржи ва чакана савдодаги зарур захиралар аҳолининг уларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қоплайди, ички истеъмол бозорининг узлуксиз тўлдирилишини таъминлайди. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватлари кенгайтирилмоқда ва янги ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилмоқда. Фақатгина жорий йилнинг биринчи чорагида 43 та янги озиқ-овқат саноати корхоналари ишга туширилди.

(Давоми 2-бетда).

Галаба нашидаси

«АНДИЖОН полькаси»ни ким билмайди? У, миллати ва ёшидан қатъи назар, ҳар бир ўзбекистонлик санъатсеварнинг қалбидан чуқур жой олган. Бу шўхчан мусиқани тингламаган, тинглаб туриб, беихтиёр рақсга тушиб кетмаган одам топилмаса керак юртимизда. Яқинда ушбу шўх мусиқа машҳур Пиреней ярим оролида баралла янгради. Аниқроғи, бир гуруҳ ўзбекистонлик қизларнинг ушбу барчага бирдек ёқимли мусиқа оҳангига мос, жозибали рақслари дунёнинг кўплаб мамлакатларидан яриморолга ташриф буюрган юзлаб спортчилару спортсеварларни лол қолдириб, гулдирос қарсаги давомли олқишларга сазовор бўлди.

ПИРЕНЕЙ ЯРИМОРОЛИДА ЎЗБЕКИСТОН МАДҲИЯСИ ЯНГРАДИ

Гап шундаки, Португалияда гимнастрада бўйича халқаро фестиваль бўлиб ўтди. Бир ҳафтадан зиёд давом этган ушбу спорт анжуманида Ўзбекистондан 22 нафар қиз муваффақиятли иштирок этди. Таъкидлаш жоизки, уларнинг ҳаммаси Бекободдан. Бу бежиз эмас. Спортнинг гимнастрада тури айнан Бекобод шаҳрида кенг кўламда ва жадал ривожланиб бормоқда.

– Бунинг учун «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари ва бутун жамоасидан миннатдормиз, – дейди Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийси Юлия Родимцева. – Улар бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, ғалабамизга катта ҳисса қўшишди. Шу боис, гарчи бизнинг қизларимиз профессионал спортчи бўлишмасада, гимнастрада мусобақаларида, ҳатто, Германия ва Испания жамоаларини ҳам ортда қолдириб, ғолибликни қўлга киритишди.

Дарҳақиқат, қизларимизнинг замонавий талаблар асосида бироз қайта ишланган «Андижон полькаси» шўх халқ мусиқаси, бежирим миллий либос, шарқона юмор уйғунлигидаги моҳирона чиқишлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Фару, Тавиро ва Альгаро шаҳарларида босқичма-босқич давом этган мусобақаларда жамоамизнинг имкониятлари одилона ва юксак баҳоланди.

Португалиядан катта ғалаба билан қайтган гимнастрадачи қизларимиз пойтахт аэропортида тантанали суратда кутиб олинди. Уларни вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова юксак ғалаба билан қутлади.

– Сизларнинг ютуғингиз ўзбек спортчиларининг нималарга қодир эканлигини яна бир бор кўрсатди, – деди Ф. Акбарова. – Бундай ғолибона чиқишлар жаҳон спорт майдонларида бундан буён ҳам давом этавериши шубҳасиз.

СУРАТЛАРДА: гимнастрадачи қизларни пойтахт аэропортида тантанали кутиб олиш пайти.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Тадбир

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

МУСТАҚИЛ Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир халқ ўз қадриятларини, эъзозлаб яшаш имкониятига эга.

Вилоят ҳокимлиги қошида ташкил этилган «Ҳамдўстлик» аёллар клубида Япония элчихонаси ҳамда халқ анъаналарини ривожлантириш ўзбек-япон маркази ҳамкорлигида ўтказилган Кимоно байрами Япония халқи миллий либосининг ўзига хос томонлари намойишига бағишланди. Ранг-баранг, ёрқин рангли матолардан тикилган кимонони кийиш учун ҳам оз эмас, кўп эмас қирқ дақиқа вақт кетар экан. Қизиқарлиси, японлар миллий либосининг кўринишига қараб, унинг соҳибаси мамлакатнинг қайси ҳудудида яшашию нима иш билан шуғулланишини аниқлаш мумкин.

Тадбир давомида нафақат кимоно, балки япон халқи маданияти, маънавиятини белгиловчи турли чинни, сопол буюмлари, қўғирчоқлар, экибана ва бошқалар кўргазмаси ташкил этилди. Шунингдек, кимоно учун тўқиладиган газламаларни тайёрлаш усуллари ҳақидаги телефильм намойиш этилди.

Ўзаро ҳамдўстлик алоқаларини мустаҳкамлашда, халқаро дўстлик тамойилларининг ривож топишида муҳим аҳамиятга эга бўлган бундай тадбирлар ўз самарасини бериши аниқ.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова иштирок этди.

Сайёра ЭШМАТОВА.

2008 йил – Ёшлар йили

НАРГИЗАНИНГ асли касби – тикувчилик. Шундай бўлсада, ўзига тўғри келадиган иш тополмади. Бугун эса негадир анча барвақт туриб, ишга кетаётган кишидек ҳозирлик кўра бошлади. Буни кўриб онаси сўради:

– Ҳа, қизим, саҳармардонлаб қайга йўл олдинг?!

– Қумовулда меҳнат ярмаркаси ўтказилаётган экан. Насиб қилса, касбимга яраша иш топаман.

«БУГУНДАН ИШИМ ТАЙИН»

Наргизанинг айтганича бор эди. Қумовулдаги вилоят маънавият тарғибот марказида вилоят ҳокимлиги ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ташаббуси билан меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Уни кенг кўламда ўтказиш учун вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, аёллар касаначилик маркази, шаҳар ва туман ҳокимликлари, жойлардаги бандликка кўмаклашувчи марказлар ўзаро ҳамкорлик қилишди.

– Бундай меҳнат ярмаркалари бу йилдан бошлаб вилоят миқёсида иккинчи марта ўтказилаётганига қарамай, унда иш таклиф этаётган корхона ва ташкилотлар ҳамда шу орқали ишли бўлаётганлар ҳам ортиб бормоқда, – деди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Ҳикматжон Исамуҳамедов. – Худди шундай вилоят ярмаркаси биринчи марта ўтказилганида 164 та корхона ва ташкилот 2357 та бўш иш ўрни билан қатнашиб, 526 киши ишли бўлганди. Навбатдаги ярмаркада эса 191 та корхона ва ташкилот 2613 та бўш иш ўринларини тақдим этди. Шуни айтиш керакки, асосий эътибор касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларини битириб, бугунги кунда ишсиз юрган ёшлар, ҳарбий хизматни ўтаб, Қуролли кучлар сафидан бўшатилганлар ва ишсизлик мақоми билан рўйхатга олинган фуқароларнинг ишга жалб қилинишига қаратилди.

«Максам-Чирчиқ» очиқ акциядорлик жамияти ярмаркада 74 та иш ўрнини таклиф этди.

– Мен ҳисобчи мутахассислиги бўйича ўртамахсус маълумотга эгаман, – деди пскентлик Жамила Ҳайдарова. – Уйда бир йилча ишсиз ўтириб қолдим. Мана, ярмаркага келиб, ўзимга ҳар томонлама қулай иш топдим.

Дарвоқе, Наргиза ҳам ярмаркада қатнашиб, ўзига яхшигина иш топди. У эртадан тикувчилик фабрикасига қатнай бошлайди.

Хуршида НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Қарор ва ижро

ЮРТ СПОРТИНИНГ ЭРТАНГИ НУФУЗИ

болалар спортини ҳар томонлама мукаммал ривожлантириш учун бугун қандай амалий чора-тадбирлар кўрилаётганига боғлиқ

Спорт шундай соҳаки, у ўзига узлуксиз эътибор талаб қилади. Машғулотлар тўхтовсиз давом этиши керак. Акс ҳолда манаман деган таниқли спортчилар ҳам сафдан чиқиб кетади. Қолаверса, спорт юлдузлари тинимсиз машғулотлар, турли даражадаги мусобақалар жараёнида юзага келади, кашф этилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, болалар спортини ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида эътибор ва амалий ҳаракат зарур. Зеро, иқтидорли спортчи бир-икки йилдаёқ етилиб чиқавермайди. Шу маънода болалар спортини шакллантириш, кенг оммалаштириш, турли даражадаги мусобақаларни кўпайтириш ва ушбу жараёнларда ҳақиқий истеъдодларни излаш, кашф этиш йил-ўн икки ой эмас, балки умр бўйи изчил давом эттирилиши лозим бўлган узлуксиз жараёндир. Бунга амал қилмаган юрт ҳеч қачон жаҳон спорт майдонларига дадил кириб боролмайди, маҳоратли спортчилар билан ўзини дунёга танитолмайди.

Айтиш жоизки, бизнинг юртимизда мустақиллик шарофати ҳамда бевосита мамлакат Президентининг ташаббуси ва раҳномолигида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси айнан юқоридаги мақсадларни кўзлаб ташкил этилди ва болалар спортини ривожлантириш вазифасига давлат сиёсати даражасида устуворлик берилди. Ушбу фикрнинг исботи учун иккитагина мисол келтириш кифоя. Биринчиси – қисқа вақт ичида юртимизда узоқни кўзлаб жорий этилган уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ҳамда «Универсиада» ўйинлари доимий анъанага айлантирилди. Дастлабки босқич умумтаълим мактаблари ўқувчилари, кейингиси академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, ниҳоят учинчиси олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўтказилади. Болалар, ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги мусобақаларнинг бундай узлуксиз тизими бошқа бирорта мамлакатда йўқ. Спорт билан илк бор «Умид ниҳоллари»да ошно бўлган бола пировардида «Универсиада»да чиниқиб, етилади.

(Давоми 4-бетда).

ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ – БОҒЧА ЁШИДАН

ЯНГИЙЎЛ шаҳридаги 13-«Қувонч» мактабгача таълим муассасаси ҳамиша болажонларнинг шодликларига тўла. Хусусан, тарбиячилар очиқ машғулотларни ташкил этиши анъанага айланди.

2008 ўқув йили таълим муассасалари фаолиятида «Иқтисодий таълим ва молиявий саводхонлик самарадорлигини ошириш» йили деб номланиши муносабати билан «Қувонч»да иқтисодий таълимга эътибор яна ҳам кучайди. Яқинда шу мавзуда мактабга тайёрлов гуруҳлари болалари иштирокида халқ таълими аълочиси, тарбиячи Ф. Шафиева томонидан очиқ машғулот намойиш этилди. Уларга дастлабки таянч билимларни беришда янгича усулублардан фойдаланилди.

Венера УМАРХЎЖАЕВА.

СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.

2008 йил учун обуна давом этмоқда

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Шу билан бирга, республика ҳукумати мажлиси ўтказилиши арафасида амалга оширилган ўрганиш натижалари республикада ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари турларини янада кўпайтириш ва сифатини ошириш, чакана савдо корхоналарини, айниқса, қишлоқ жойлардаги савдо корхоналарини озиқ-овқат товарлари билан барқарор таъминлашда улгуржи савдо бўғинининг ролини мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари зиммасига аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор, узлуксиз таъминлаш ҳамда савдода, деҳқон ва озиқ-овқат бозорларида нархларнинг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик учун шахсий жавобгарлик юкланди.

Шунингдек, 2008 йилда сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка, чорвачилик маҳсулотлари, ўсимлиқ ёғи ва гуруч ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Тижорат банкларига мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва картошка харид қилиш шартномалари бўйича фермер хўжаликларини ўз вақтида аванс маблағлари билан таъминлаш учун агрофирмаларга ва тайёрлов ташкилотларига имтиёзли кредитлар ажратиш, шунингдек юқори сифатли уруғлик картошка, полиз ва мева-сабзавот экинлари уруғлари ва кўчатлари, ниҳоллар, ёш қорамол харид қилиш учун деҳқон ва фермер хўжаликларига кредитлар бериш тавсия этилди.

"Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компаниясига, Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасига Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ихтисослаштирилган савдо шохобчаларида, айниқса, узоқ қишлоқ аҳоли пунктларидаги савдо шохобчаларида омухта чорва озуқалари, шрот ва шелуханинг ўз вақтида келтирилиши ва аниқ манзилли сотилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш топширилди.

Аҳолини иш билан банд этиш муаммоларини ҳал қилиш амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош устувор вазифасини – инсон манфаатлари устуворлигини рўёбга чиқаришда ҳамон энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Бу борада йирик корхоналарнинг касаначилик билан кооперация алоқаларини кенгайтириш алоҳида муҳим аҳамият касб этадики, у анча кам капитал харажатлар билан янги иш ўринлари ташкил этилишини таъминлайди. Электротехника соҳаси, енгил саноат ва пойафзал ишлаб чиқариш саноатида, Бухоро, Наманган ва Тошкент вилоятларида корхоналар ва касаначилик меҳнати ўртасидаги кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича мавжуд салоҳиятни рўёбга чиқариш ишлари етарли бўлмаётганлиги таъкидланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмаларига Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда 2008 йилда касаначилик иш ўринларини ташкил этиш параметрларини қайта кўриб чиқиш топширилди. Корхоналарнинг касаначилар билан кооперациясини ривожлантириш ва касаначилик меҳнати турларини кенгайтириш бўйича салоҳияти ва имкониятларининг тўлиқ ишга солинишини таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектларни касаначиликни кенгайтирганлик учун рағбатлантириш ва масъулиятини ошириш бўйича таъсирчан механизмни жорий қилиш, шунингдек корхоналар томонидан касаначилар билан тузиладиган меҳнат шартномалари талабларига, шу жумладан уларни буюртмалар, хом ашё, асбоб-ускуналар билан ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда таъминлаш, иш ҳақини тўлашга доир талабларига сўзсиз риоя қилиниши зарурлиги қайд этилди.

Мажлисда бошоқли экинларнинг 2008 йилги дон ҳосилини ўриб-йиғиб олиш мавсумига ғалла ўриш-йиғиш техникасини тайёрлашни тугаллаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларини ташкил этиш ва жадаллаштириш, шу жумладан мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказишни жадаллаштириш бўйича ишларнинг бажарилиши муҳокама қилинди.

"Ўзмелиомашлизинг" давлат лизинг компаниясига Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти билан биргаликда Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурида назарда тутилган импорт мелиорация техникаси, машиналари ва бошқа механизация воситаларини ўз вақтида харид қилиш, улардан самарали фойдаланилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўриб топширилди.

Республика ҳукумати мажлисида кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича қарор қабул қилинди. Қарорда 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларининг сўзсиз амалга оширилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

ЎзА.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўргазма

МАҲСУЛОТЛАР ЭКСПОРТБОП

«ЎЗАГРОМАШСЕРВИС» уюшмасининг Чиноз туманидаги «Таъминотчи-Пахта» очиқ акциядорлик жамиятида тармоқ ичида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган саноат ярмаркаси ташкил этилди. Унда уюшма таркибига кирувчи барча ишлаб чиқариш корхоналари иштирок этди. Намойиш этилган тайёр маҳсулотлар намуналари, бутловчи қисмлар ва материаллар юқори қўшимча қийматга эга ҳамда экспортбоплиги билан иштирокчилар эътиборини тортди.

Эндиликда уюшма корхоналарида ишлаб чиқарилаётган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, қайта ишланган маҳсулотлар ва материалларни кооперация биржаси доирасида харид қилиш республикамизнинг барча истеъмолчилари учун қўшимча тендерлар ўтказмай, тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга оширилмоқда. 2008 йилги маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар қўшимча солиқ имтиёзларига эга бўлдилар. Бу эса мазкур корхоналар учун катта иқтисодий рағбат бўлиб, бошқаларда ҳам қизиқиш уйғотиши табиийдир.

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати тобора ривожланиб бораётган бугунги кунда республикамизга келтирилаётган қишлоқ хўжалиги техникаларининг тури ва сони ҳам ортиб бормоқда. Уларни, бошқа қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш ва сервис хизматлари кўрсатиш учун «Ўзагромашсервис» уюшмаси тизимида 18 та таъмирлаш заводи, 180 та ихтисослаштирилган махсус таъмирлаш устахоналари фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда ушбу корхоналарда ҳар хил моддий-техник ресурслар, қишлоқ хўжалик шиналари, двигателлар, узель ва агрегатларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулот, буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариш маҳаллийлаштириш дастури асосида амалга оширилмоқда.

Кўзгазмада иштирок этган «Далварзин» таъмирлаш заводи, «Бахтқишхўжмаш» қўшма корхонаси ҳам бўлажак ҳамкорларига ишлаб чиқарилаётган турли товарлар, буюмлар ва бутловчи қисмларни таклиф этди.

Тармоқ ичида ишлаб чиқаришни ривожлантириш саноат ярмаркасини эндиликда ҳудудларга бўлиниб, республикамизнинг бошқа шаҳарларида ҳам ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Акбар МУРОДОВ.

СУРАТЛАРДА: саноат ярмаркасидан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.

БЎКА тумани ижтимоий таъминот бўлимида ўтказилган тадбирда пенсионер ва ногиронларнинг 30 нафарига сиҳатгоҳларга йўлланмалар берилди. Бундай хайрли ишларга «Қишлоқхўжаликкимё» ташкилоти, «Истиқлол» буюм бозори, «Саид Бурхон – Ҳуснидин» фермер хўжалиги ҳамда туман давлат солиқ инспекцияси ҳомийлик ёрдами кўрсатди.

ҲОМИЙЛАР ЁРДАМИГА ТАЯНИБ

Шунингдек, Хотира ва қадрлаш куни олдидан тумандаги уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларини зиёратгоҳларга олиб боришга келишиб олинди.

Ижтимоий таъминот бўлими томонидан ёрдамга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга оталиқ ташкилотлар бириктирилган бўлиб, электр энергияси ва газ ҳақларини тўлашда ёрдам берилмоқда.

Шу йилдан бошлаб тумандаги «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларидан 14 нафарига Халқ банкидан ҳисоб рақами очилиб, уларга ойма-ой нафақа пули тўлаб бориляпти.

Тадбирда ҳомийлар мадади туфайли тумандаги 23 та ёш оиланинг ҳар бирига соғин сигир олиб берилди.

Ашурали БОЙМУРОДОВ.

Молия тизими

МАРКЕТИНГ ҲАМ ФАЛСАФА

Банк раҳбарияти ва унинг барча бўғинларининг асосий мақсади тобора кўпроқ мижозларни жалб этиш, янги-янги хизмат турларини тавсия қилиш ва фойдани оширишдан иборатдир. Бунда банкнинг маркетинг хизматини тўғри ва изчил йўлга қўйиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Маркетинг – бу пухта тайёргарлик, чуқур ва ҳар томонлама таҳлил, банк барча бўлинмалари раҳбарларидан тортиб, то энг кичик ходимларигача фаол ишлашини талаб этувчи банк стратегияси ва фалсафасидир.

Банк фаолиятини бошқариш раҳбар органлар ва маъмурият томонидан ишчи ходимлар фаолиятини назорат қилиш, мижозларга юксак даражада хизмат кўрсатиш учун аниқ мақсадни кўзлаб иш юритишни тақозо этади. Мақсад – бошқарувнинг асоси ҳисобланади. Бошқарув мақсадини амалга ошириш учун муайян режага эга бўлиш керак.

Демак, бошқаришнинг муҳим тамойили режалаштиришдан иборатдир. Лекин мақсадга эришиш учун яхши режанинг ўзи кифоя қилмайди. Тузилган режани асослаш, унинг тўғрилигини исботлаш керак. Бунда олдиндан айтиб бера олиш муҳим ўрин тутади. Олдиндан айтиб берилган, асосланган режага кўра ишни ташкил этиш, шу билан бирга иш қай ҳолда боришини назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бошқаришнинг кўрсатиб ўтилган жараёнларини амалга ошириш учун турлича алоқа йўлларидан фойдаланиш зарур бўлади.

Банк маркетинги дастлабки даврда фақат банк хизмати ва маҳсулотларини реализация қилиш билан шуғулланган бўлса, ҳозирги кунда у бутун банк фаолиятини қамраб олган. Замонавий банк маркетинги нафақат мижозларнинг хоҳиш-истакларини ўрганиш, балки хизматга бўлган талабни тўғри қондириш, банк фаолиятини кенгайтириш, хизмат ва маҳсулот реализацияси ҳажмини ошириш, юқори даромад олишни таъминлашга ҳам йўналтирилган.

Маркетинг нуқтаи назаридан ёндашиш биринчи навбатда ўз маҳсулоти эмас, балки мижозларнинг ҳақиқий эҳтиёжларини кўзлаб фаолият юритишни назарда тутади. Шу сабабли бозорни пухта ўрганиш, банк хизматларидан фойдаланувчиларнинг ўзгарувчан хоҳиш ва талабларини таҳлил этиш зарур.

Ҳар бир мижоз билан муомала қилиш жараёнида банк ходими молиявий хизмат кўрсатишнинг мижозга керакли шаклларини аниқлаш ва ҳар бир битимнинг зарурати ва фойдалилигини тушунтириши лозим.

Банк маркетингининг асосий мақсадларидан бири – янги мижозларни узлуксиз жалб қилишдир. Пул маблағларини жалб қилиш жараёнида рақобатнинг кучайиши шароитида банклар ўз ресурсларини кўпайтириш услубларини такомиллаштириб борадилар. Шу мақсадда банклар омонатчиларни жалб қилиш учун, кўпинча, кўргазмалар ўтказадилар.

Ходимларни танлаш, уларнинг иқтидорига тўғри ва адолатли баҳо бериш бошқаришнинг энг мураккаб қирраларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли уларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйишга масъулият билан ёндошилмаса, иш якунлари кутилганидек бўлмаслиги аниқ. Ходимларни танлаш услуби қанчалик пухта ишлаб чиқилган бўлса, корхона фаолиятида кутилган самарадорликка шунчалик тез эришилади.

Ходимларни бошқариш деганда корхонада банд бўлган кишилар салоҳиятини ошириш ва ундан самарали фойдаланиш, ходимларнинг нормал фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароит яратишдан иборат тадбирлар тизими тушунилади.

Баҳолашнинг белгилаб қўйилган тартиби «аттестация» деб аталади. У мутахассисларнинг ўз лавозимига лаёқатини, малакаси, билим даражаси ва хулқ-атворини аниқлашга ва шу асосда ишга тайинлаш, унвон бериш, шунингдек, ишдан четлатишга хизмат қилади.

Аттестация қилинаётган ходимнинг ишига баҳо беришда унинг топшириқларни қандай бажариши, меҳнат интизоми, ўз вазифасига нисбатан масъулият ҳис этиши каби хислатлари инобатга олиниши зарур.

Темур АБДУЖАББОРОВ,
Тошкент Молия институти талабаси.

Бугуннинг гапи

СУВ — ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

МАМЛАКАТДА аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада вилоятимизда ҳам кўламли ишлар амалга оширилаётир.

– Ўтган 2007 йил шу соҳада муҳим ўзгаришлар йили бўлди, – дейди «Вилоятсувоқава» очиқ акциядорлик жамияти раиси Отахон Маҳмудов. – 82 та қишлоқда сув таъминоти барқарорлашди. Натижада 168 мингдан зиёд аҳолининг тоза ичимлик сувидан мунтазам фойдаланиш имконияти яратилди. Шунингдек, 18 та янги сув қудуғи қазилди. 25 та қудуқда мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилди. 112 километр масофадаги суви қувурлари, 150 тага яқин насослар янгиларига алмаштирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш, оқава сув, яъни канализация тизимларини янгилаш ва реконструкция қилиш бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган дастур лойиҳаси тайёрланди. Белгиланган ишларнинг бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш юзасидан вилоят ҳокимлиги, «Вилоятсувоқава» ОАЖ ҳамда вилоят санитария-эпидемиология назорати маркази вакилларидан иборат ишчи гуруҳлари фаолият юритмоқда. Бундай гуруҳлар айни вақтда шаҳар ва туманларда ҳам ташкил этилган.

2008-2012 йилларга мўлжалланган дастур лойиҳаси доирасида вилоят бўйича 170 миллион АҚШ доллари миқдорида иш бажарилиши белгиланган. Жумладан, 792 километрдан зиёд марказий сув қувурлари, 2940 километр ҳажмда эса ички тармоқлар янгиланиши кўзда тутилган.

Жорий йилда тармоқда 2 миллиард 700 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилади. Шундан 1 миллиард 600 миллион сўмлик иш ҳомийлар кўмагида бажарилади.

Соҳани ривожлантиришга хизмат қилувчи омиллардан яна бири Хитой ҳукумати кредитининг жалб этилаётганлигидир. Масалан, лойиҳа бўйича умумий қиймати 14,8 миллион доллар бўлган «ВО-1» сув иншоотини реконструкция қилиш ишлари ниҳоясига етгач, Янгийўл, Зангиота, Чиноз ва Тошкент туманларида тоза ичимлик суви таъминоти тубдан яхшиланади. Шунингдек, оқава сув тизимлари – канализация ва коллекторларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари умумий қиймати 5,8 миллион доллар бўлган лойиҳа асосида режалаштирилган. Бунда асосан Чирчиқ шаҳри канализацияси тизимларини реконструкция қилишга эътибор қаратилади.

– Тошкент денгизидан 105 километр масофада Туябўғиз – Бекобод марказий сув қувурларини барпо этиш ҳам муҳим вазифалардан биридир, – дейди О. Маҳмудов. – Бунинг учун Хитой кредити жалб этилди. Демак, яқин келажакда Бекобод шаҳри ва Бекобод, Бўка туманлари аҳолиси ҳамда ён-атрофдаги қишлоқлар сифатли ичимлик сувидан фойдаланиш имконига эга бўлади.

Айни вақтда Паркент тумани маркази аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш масаласи ҳам ҳал этиляпти. Тоғли Чанги қишлоғининг Номанак булоғидан туман марказигача 4 километр масофада сув қувурларини тортиш ишлари ниҳоясига етяпти.

Йиллар давомида муаммо бўлиб келаётган сув таъминоти «Вилоятсувоқава» акциядорлик жамияти ва туман фаоллари ташаббуси билан ўз ечимини топаётганлиги айни муддао. Эрта-индин туман марказида яшовчи 45 минг аҳоли ичимлик сувидан фойдалана бошлайди. Ҳашар йўли билан бажарилаётган қурилиш ишларида тумандаги 50 га яқин корхона ва ташкилот, каттаю кичик аҳоли қатнашяпти. Табиийки, амалга оширилаётган бу ҳаракатлар вилоятда сув таъминотининг барқарорлашуви ва аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.



Мунаввара ИСОҚУЛОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: акциядорлик жамияти раиси Отахон Маҳмудов сув иншооти қурилишида; амалга оширилаётган ишлардан лавҳа.

Муаллиф олган суратлар.

Тадбир

ТАРБИЯГА КИМ МАСЪУЛ?

ВИЛОЯТ ички ишлар бошқармасида «Ёшлар йили» дастури ижросига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Унда ёшлар тарбиясида раҳбарнинг роли, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича профилактика ишлари самарадорлигини оширишда хотин-қизлар фаоллиги ҳамда ички ишлар идоралари ходимларининг маънавий-ҳуқуқий тарбияси каби масалалар кўрилди.

– Ёшлар тарбиясига масъул ота-она, устоз-мураббий, етакчи раҳбар қатори ички ишлар идоралари ходимларининг ролини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур, – деди Ички ишлар вазирлиги ходими полковник А. Сатторов. – Лекин, ёшларни тарбиялай олиш учун ходимларнинг ўзлари инсонийлик тамойилларига тўла амал қиладиган юксак маънавият эгаси бўлишлари керак. Бунинг учун жамоат ташкилотлари, хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорликда иш олиб боришлари лозим.

– Фарзанд тарбиясида аввало аёл, она масъул, – деди вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова. – Бугунги ҳуқуқбузар ким? Ўз бурчини унутган ота-она, носоғлом оилалар фарзанди. Эътиборсизлик, лоқайдлик ортида беҳисоб кўнгилсизлик, нохушликлар келиб чиқади. Болаларга аёл, она меҳри керак. Улардаги руҳий беқарорлик зарарли таъсирларга берилувчан қилиб қўяди. Шу маънода ҳар бир ташкилотда малакали руҳшунослар фаолиятини йўлга қўйиш керак. Ҳозир вилоят марказида руҳшунослар ўқувини ташкил этганмиз.

Йиғилишда шунингдек, вояга етмаганлар билан олиб борилаётган ишлар, гиёҳвандликка қарши кураш чора-тадбирлари, ички ишлар ходимларининг соғлом турмуш тарзи ҳақида сўз борди.

Сайёра РИХСИЕВА.
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ номидаги Тошкент давлат техника университетида фан ва техника тараққиётида ёшларнинг ўрнига бағишланган иқтидорли талабаларнинг республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

БУГУН ТАЛАБА, ЭРТАГА ОЛИМ

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Келажак овози" республика ёшлар ташаббуслари маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тошкент давлат техника университетида бошланган иқтидорли ёшларнинг фан ҳафталиги доирасида ташкил этилган илмий-амалий анжуманда беш юз нафардан кўпроқ иқтидорли талаба фундаментал фанлар, рационализаторлик лойиҳалар, автоматика ва ахборот технологиялари, энергетика, механика, машинасозлик, нефть-газ саноати, экология, геология, кончилик иши сингари йўналишлардаги илмий лойиҳалари билан иштирок этмоқда.

ЎзА.

ДИҚҚАТ!

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилоят бошқармаси ҳамда Тошкент вилоят ҳудудий танлов комиссияси томонидан "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2008 йил 5 апрель 26-сонида чоп этилган эълоннинг 2- ва 3-қаторлари қуйидагича ўқилсин:

Т/р	Корхона ва объектларнинг номлари	Жойлашган манзили	Хусусийлаштириш тартиби (тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида)	Фаолият тури (фаолият турини сақлаган ҳолда ёки фаолият турини сақламаган ҳолда)	Минимал инвестиция миқдори (млн. сўм)	Инвестиция мажбуриятларини бажариш муддати (йил)
	Савдоларга қўйилмоқда (савдо кунлари 2008 йил 2, 9, 16, 23, 30 июнь ва ҳар ҳафтанинг душанба кунлари)					
2	Қурилиши тугалланмаган 140 ўринли болалар боғчаси биноси	Оққўрғон тумани	Тўлиқ мулкий мажмуа тарзида	Фаолият турини сақлаган ҳолда	500.0	15 ой
3	А. Навоий кўчасида жойлашган, қурилиши тугалланмаган 90 ўринли болалар боғчаси биноси	Оққўрғон тумани	Тўлиқ мулкий мажмуа тарзида	Биринчи ўринда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни ташкил этиш шарти билан	350.0	12 ой

Танлов шартлари ва қўшимча маълумотлар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уй. Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилоят бошқармаси.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"ЧИРЧИҚ-ОҲАНГАРОН" ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ қуйидаги объектларга ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот: 1-7:

– **Лот-1:** Тошкент туманидаги "Чегара-Аччисой" зовурини системали таъмирлаш ва тиклаш. (2-босқич) ишларини якунлаш муддати 2008 йил декабргача.

– **Лот-2:** Зангиота туманидаги "Аччисой" зовурини системали таъмирлаш ва тиклаш. (2-босқич) ишларини якунлаш муддати 2008 йил декабргача.

– **Лот-3:** Юқоричирчиқ туманидаги "В-5" зовурини системали таъмирлаш ва тиклаш. (2-босқич) ишларини якунлаш муддати 2008 йил июлгача.

– **Лот-4:** Янгийўл туманидаги "Салар" зовурини системали таъмирлаш ва тиклаш. (2-босқич) ишларини якунлаш муддати 2008 йил августгача.

– **Лот-5:** Бўка туманидаги "Чилисой" зовурини системали таъмирлаш ва тиклаш. (2-босқич) ишларини якунлаш муддати 2008 йил июлгача.

– **Лот-6:** Қуйичирчиқ туманидаги "Сарисув-2" зовурини системали таъмирлаш ва тиклаш. (2-босқич) ишларини якунлаш муддати 2008 йил августгача.

– **Лот-7:** Оққўрғон туманидаги "Қорасув-1" зовурини системали таъмирлаш ва тиклаш. (2-босқич) ишларини якунлаш муддати 2008 йил июлгача.

Таъмирлаш ишлари: Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси: Тошкент вилояти "Тошконсалтингстройторг" давлат унитар корхонаси.

Буюртмачи манзили: Тошкент вилояти, Паркент тумани. **Телефон:** (+99898) 304-20-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, танлов савдолари предметига ихтисослашган ташкилотлар, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахасисслар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Тошкент вилоятининг "Тошконсалтингстройторг" давлат унитар корхонасига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Тошкент шаҳри, Муртазоев кўчаси, 6-уй. 113/114-хоналар. **Тел/факс:** 150-15-48, 150-15-49.

Танлов ҳужжатларининг бир тўплам қиймати – 100 000 (юз минг) сўм. Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (офёрталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб камида 15 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уйда ўтказилади.

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Зангиота туман суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент вилояти Зангиота туман судининг 13.02.2008 йилдаги 48/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота туман "Матлуботсавдо" МЧЖ омборида сақланаётган, "ГБАСПГГАЗ-53" русумли, д/р 11К1978 бўлган, 1984 йилда и/ч, автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 5 600 000 сўм.**

II. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 21.05.2007 йил № 11-0719/2091-сонли, 22.10.2007 йил № 11-0723/8912-сонли, 07.01.2008 йил № 11-0623/9344-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, "Янгийўл МТП" ОАЖга тегишли, Янгийўл тумани Ниёзбош қ.ф.й.да жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. "Ошхона биноси", майдони 133,76 кв.м. **Бошланғич баҳоси – 7 210 588 сўм.** 2. "Коровулхона", майдони 29,79 кв.м. **Бошланғич баҳоси – 130 347 сўм.** 3. "Ёқилғи шахобчаси" умумий майдони 0,1922 га. **Бошланғич баҳоси – 14 619 068 сўм.** 4. "Қудуқ ва ёрдамчи бино", умумий майдони 0,4218 га. **Бошланғич баҳоси – 1 802 079 сўм.** 5. "Казлавой кран иншооти", умумий майдони 0,2029 га. **Бошланғич баҳоси – 9 884 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2008 йилнинг 27 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

III. Шунингдек, 2008 йил 6 май куни соат 11.00 да такроран бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган Янгийўл тумани "Матлуботсавдо" МЧЖ омборида сақланаётган, қуйидаги автотранспорт ва техника воситалари қўйилмоқда: 1. ЖИБ Янгийўл туман судининг 05.12.2007 йилдаги 780-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "ГАЗ-66" русумли, д/р Х837НАМ, и/ч йили номаълум бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 4 800 000 сўм.** 2. ЖИБ Янгийўл туман судининг 05.12.2007 йилдаги 780-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "ЗИЛ-433362" русумли, д/р 11А6680, и/ч йили номаълум бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 8 000 000 сўм.** 3. ЖИБ Янгийўл туман судининг 03.01.2008 йилдаги 01-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Т-40АМ" русумли трактор прицепи билан бирга, 1979 йилда и/ч. **Бошланғич баҳоси – 1 200 000 сўм.**

Юқоридаги автотранспорт воситалари ва кўчмас мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТ "Ипотекабанк"нинг С. Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105. **Манзил:** Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ўразбоев кўч., 1-А уй. **Тел.:** 228-79-52. **www.rkmb.uz**

Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати давлат унитар корхонаси томонидан Якубова Шарифа Агзамовна номига берилган 10-27/2002 реестр сонли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"MEDIKAL-TEXNOLOJY-SERVIS" хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятига айлантирилади ва унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Утерянный аттестат о среднем образовании АО № 004578 от 17 июня 1995 г. выданный школой Хамзинского района г. Ташкента на имя Хисамовой Лилии Тахировны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 21

O'ZBEKISTON

15.00 «Таҳлилнома».
15.50, 20.50 «Минг бир ривоят».
15.55 «Қайтар дунё». Т/с.
16.40 «Ўзбекистон табиати».
17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
17.15 «Олтин мерос».
17.20 «Эл тинчлиги йўлида».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Изҳор».
18.00 «Сизнинг адвокатингиз».
18.05 «Қайтар дунё». Т/с.
18.50 «Бир кун».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.30 «Қорабайирлар тўдаси».
21.55 «Сўнгги қиролича». Т/с.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат».
23.10 «Мерос». Т/с.

YOSHLAR

15.55 «Аждодлар садоси».
16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
16.10 «Шерлок Холмс». Т/с.
16.45 «Келажак овози».
16.55 «Юртим юраги».
17.00 «Ёшлар симфонияси».
17.10 «Сувни асранг!».
17.20 «Келажак эгалари».
17.30 «Тасвир ва таассурот».
17.45 «Ёшлик баёзи».
17.55 «Тошкент – 2200».
18.00 «Каминанинг оиласи».
18.30, 21.55 «UzEX хабарлари».
18.35 «Мулки мумтоз».
18.55 «Шарқ дарвозаси».
19.30 «Алия». Т/с.
20.10 «Одамфурушлар».
20.30 «Зулфия издошлари».
20.40 «Ёшлар навоси».
21.00 «Тошкент оқшоми».
21.10 «Жумонг». Т/с.
22.30 «Аёлга таъзим».
22.35 «SMS-мусиқа».
23.00 «Ҳаёт-мамот». Т/с.
23.45 «Таскин».

TOSHKENT

17.55 М/ф «Синдбод. Етти денгиз афсонаси».
18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.25 «Биласизми?».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.50 «Эсмеральда». Т/с.
19.20, 20.15 «ТВ юрист».
19.25 Музыка SMS.
19.50 «Будьте здоровы».
20.20 «Милагрос». Т/с.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.45 «Ўйларим».
22.10 «Аёл қалби».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50 Х/ф «Меркурий в опасности».

SPORT

18.00 «Тет-а-тет».
18.10 Миллий ўйинлар фестивали.
18.30, 21.30 «Хабарлар».
18.50 «Мусиқий тайм».
19.15 Тяжелая атлетика.
19.50 «Спортлото».
20.00 Стрельба. Кубок мира.
20.30 «Бизнес-ревю».
20.40 «Жди меня».
21.50 Футбол.

Марказ

15.00, 18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ».
15.30 Baby hits.
15.40 Мультфильм.
17.00 «Премьера».
17.30 «Кинокурьер».
18.00, 20.10 Ўзбек наволари.
19.00 Сериал «Замонавий она».
21.30 Сериал «24 часа».
22.20 «Трасса-60». Х/ф.
00.30 Миксер.

Первый

4.00, 8.15 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 23.20 Новости.
8.25 «Малахов +».
9.25 «Контрольная закупка».
10.00 «Убойная сила». Сериал.
11.15 «Модный приговор».
12.20 «Детективы».
13.25 «Понять. Простить».
14.20 «Похождения гениального афериста».
15.00 «Огонь любви». Сериал.
15.55 «Федеральный судья».
17.20 Жди меня.
18.10 «След».
19.00 «Принцесса цирка». Сериал.
20.00, 2.00 Время.
20.30 Х/ф «Апостол».
21.30 «Магда Геббельс. Жертвоприношение».
22.25 «Одноэтажная Америка».
23.40 «Царя подменили».
00.25 Х/ф «Запретная миссия».
2.30 Х/ф «Большие девочки не плачут».

СЕШАНБА 22

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.00 «Сарой жавоҳири». Т/с.
7.35, 20.50 «Минг бир ривоят».
7.40 «Дилхуш наволар».
8.00, 11.00, 11.50, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 13.55, 17.15 «Олтин мерос».
8.40, 18.10 «Қайтар дунё». Т/с.
9.25 «Изҳор».
9.30 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбекистон табиати».
9.50 «Ўйла, Изла, Топ!».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.10, 20.05 «ТВ шифокор».
11.15, 20.10 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
13.00, 21.55 «Сўнгги қиролича». Т/с.
14.20 «Эски альбом».
14.25 «Муқаддас қадамжолар».
15.05 Ўсмирлар симфоник оркестрининг концерти.
15.55 «Интеллектуал ринг».
16.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбекистон табиати».
17.20 «Таълимга эътибор - келажакка эътибор».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Ишонч ва кафолат».
18.55 «Эзгулик».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
21.35 Эркин мавзу.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат».
23.10 «Мерос». Т/с.

YOSHLAR

6.55 «Аждодлар садоси».
7.00, 18.00 «Каминанинг оиласи».
7.30 «Тунги парвоз».
8.00, 15.00 «Ёшлар майдони».
9.00 «Камолот».
9.10 «Қадрдон қўшиқлар».
9.20, 19.30 «Алия». Т/с.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10 «Ёшлар ила саёҳат».
11.00 «Kinomaniya».
11.30 «Нафосат олами».
11.40, 18.35 «Мулки мумтоз».
12.00, 21.10 «Жумонг». Т/с.
12.40 «Journal».
13.10 «Ватанпарвар».
14.00 «Пуаро». Т/с.
14.50 «Ёшлар йили».
16.10 «Шерлок Холмс». Т/с.
16.45 «Ёшлар симфонияси».
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Мультипанорама».
17.50 «Болалар табассуми».
17.55 «Болалар баҳори».
18.30, 21.55 «UzEX хабарлари».
18.55 «Тошкент – 2200».
20.15 «Тафаккур чироғи».
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Ёшлар навоси».
21.00 «Юртим юраги».
22.30 «Футбол-2008».
23.00 «Ҳаёт-мамот». Т/с.
23.45 «Таскин».

TOSHKENT

17.55 М/ф «Синдбод. Етти денгиз афсонаси».
18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.25 «Биласизми?».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.50 «Эсмеральда». Т/с.
19.20, 20.15 «ТВ юрист».
19.25 Музыка SMS.
19.50 «Ҳимоя».
20.20 «Милагрос». Т/с.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.45 «Ўйларим».
22.10 «Профессионал».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50 Х/ф «Ну что, приехали, ремонт».

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.00, 9.30, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.25 «Малахов +».
9.50 Сериал «Татьянин день».
11.20 Самбо.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Жаҳон спорти юлдузлари».
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 «Иқтидор».
19.50 «Joker, Superlotto».
20.00 Чемпионлар Лигаси кундалиги.
20.30 «Бизнес-ревю».
20.40 Тяжелая атлетика.
21.50 Стрельба.
22.20 «Час пик-3». Х/ф.
23.40 Футбол.

Марказ

7.00, 8.30, 13.40, 20.30 Ўзбек наволари.
8.00, 15.00, 18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ».
9.30, 19.00 «Замонавий она».
10.40, 18.00, 20.10 Мировые хиты.
11.30 «Трасса-60». Х/ф.
14.30 «Кинокурьер».
15.30 Baby hits.
15.40 Мультфильм.
17.00 «Baby Terra Landiya».
17.30 «Премьера».
21.30 Сериал «24 часа».
22.20 «Большой переполох в маленьком Китае». Х/ф.
00.20 Миксер.

Первый

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 23.25 Новости.
8.25 «Малахов +».
9.25 «Контрольная закупка».
10.00 «Убойная сила». Сериал.
11.15 «Модный приговор».
12.20 «Детективы».
13.25 «Понять. Простить».
14.20 «Ульяновы. Неизвестная семья».
15.00 «Огонь любви». Сериал.
15.55 «Федеральный судья».
17.20 «Пусть говорят».
18.10 «След».
19.00 «Принцесса цирка». Сериал.
20.00, 2.00 Время.
20.30 «Апостол». Сериал.
21.25 План «Кавказ».
22.25 «Код жизни».
23.45 «Копья Посейдона».
00.30 «Доброй ночи».

ЧОРШАНБА 23

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.00 «Сарой жавоҳири». Т/с.
7.35, 20.50 «Минг бир ривоят».
7.40 «Болалик қўшиқлари».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 13.55, 17.15 «Олтин мерос».
8.45, 18.05 «Қайтар дунё». Т/с.
9.30 «Изҳор».
9.35, 14.25 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида».
10.00 «Бизнинг кутубхона».
10.10 «Қизиқарли математика».
10.35 «КиноТеатр».
11.10, 20.05 «ТВ шифокор».
11.15, 20.10 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
11.50 «Сулув заминим Зомин».
13.00, 21.55 «Сўнгги қиролича».
14.20 «Эски альбом».
14.45 «Ўзбегим ёшлари – Бельгияда».
15.50 «Ватанпарвар».
16.40 «Эркин иқтисодиёт».
17.20 «Тараққиёт сари».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Изҳор».
18.00 «Сизнинг адвокатингиз».
18.55 «Зийнат».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
21.35 «Одамлардан бири».
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат».
23.10 «Мерос». Т/с.

YOSHLAR

6.55 «Аждодлар садоси».
7.00, 18.00 «Каминанинг оиласи».
7.30 «Тунги парвоз».
8.00, 15.00 «Ёшлар майдони».
9.00 «Зулфия издошлари».
9.10 «Қадрдон қўшиқлар».
9.20, 19.30 «Алия». Т/с.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10 «Ёшлар ила саёҳат».
11.00 «Футбол-2008».
11.30 «Ёшлар йили».
11.40, 18.35 «Мулки мумтоз».
12.00, 21.10 «Жумонг». Т/с.
12.40 «Чемпион».
13.10 «Дўстлик қўприклари».
14.00 «Пуаро». Т/с.
14.50 «Ёшлик баёзи».
16.10 «Шерлок Холмс». Т/с.
16.45 «Ёшлар симфонияси».
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Мультипанорама».
17.50 «Болалар табассуми».
17.55 «Болалар баҳори».
18.30, 21.55 «UzEX хабарлари».
18.55 «Шарқ дарвозаси».
20.15 «Тафаккур чироғи».
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Ёшлар навоси».
21.00 «Тошкент оқшоми».
22.30 «Аёлга таъзим».
22.35 «SMS-мусиқа».
23.00 «Ҳаёт-мамот». Т/с.
23.45 «Таскин».

TOSHKENT

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 18.50 «Эсмеральда». Т/с.
8.55, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.15, 11.20, 19.20, 20.15 «ТВ юрист».
9.20 «Химоя».
9.30, 10.30, 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
9.40 «Тошкентда латифа».
9.45, 20.50 «Репортаж».
9.55, 21.45 «Ўйларим».
10.00, 19.25 Музыка SMS.
10.25, 18.25 «Биласизми?».
10.40, 20.20 «Милагрос». Т/с.
11.10 «Будьте здоровы».
11.30 Х/ф «Ну что, приехали, ремонт».
17.55 М/ф «Синдбод. Етти денгиз афсонаси».
19.50 «Муқаддас қадамжолар».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Анонс».
22.10 «Эртамиз эгалари».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50 Х/ф «Арсен Люпен».

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.00, 9.30, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.25 «Малахов +».
9.50 Сериал «Татьянин день».
11.20 Самбо.
16.20, 19.00, 23.40 Футбол.
18.20 «Тет-а-тет».
18.50 «Бизнес-ревю».
20.50 «Мусиқий тайм».
21.10 «Олимп сари йўл».
21.50 «Гейм-Сет-Матч».
22.10 «Как Майк-2». Х/ф.

Марказ

7.00, 8.30, 13.30, 17.30, 20.30 Ўзбек наволари.
8.00, 15.00, 18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ».
9.30, 19.00 Сериал «Замонавий она».
10.40, 17.00, 20.10 Мировые хиты.
11.30 «Большой переполох в маленьком Китае». Х/ф.
14.30 «JannatMakon».
15.30 Baby hits.
15.40 Мультфильм.
21.30 Сериал «24 часа».
22.20 «Кто-то пролетал над гнездом кукушки». Х/ф.

Первый

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 23.10 Новости.
8.25 «Малахов +».
9.25 «Контрольная закупка».
10.00 «Убойная сила». Сериал.
11.15 «Модный приговор».
12.20 «Детективы».
13.25 «Понять. Простить».
14.20 «Бриллиантовое дело».
15.00 «Огонь любви». Сериал.
15.55 «Федеральный судья».
17.20 «Пусть говорят».
18.10 «След».
19.00 «Принцесса цирка».
20.00, 2.00 Время.
20.30 «Апостол». Сериал.
21.25 «Вицин, которого мы не знали».
22.25 «Современные святые».
23.30 «Доброй ночи».
00.30, 2.30 Х/ф «Пропавший без вести».
3.00 Х/ф «Поверхность».

ПАЙШАНБА 24

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.00 «Сарой жавоҳири». Т/с.
7.35, 18.00, 20.50 «Минг бир ривоят».
7.40 «Дилхуш наволар».
8.00, 11.00, 11.50, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 13.55 «Олтин мерос».
8.40, 18.05 «Қайтар дунё». Т/с.
9.20 «Изҳор».
9.25, 14.25 «Икки дарё оралиғида».
9.50 «Цирк, цирк, цирк».
10.10 «Қизиқарли математика». М/с.
10.35 «Таълимга эътибор - келажакка эътибор».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.10, 20.05 «ТВ шифокор».
11.15, 20.10 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Чехраси гул Наманган».
13.00, 21.55 «Сўнгги қиролича».
14.20 «Эски альбом».
14.50 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
15.50 «Тарих кўзгуси».
16.10 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
16.35 «Қўриқонанинг тўрт фасли».
17.20 «Саломатлик дастури».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Изҳор».
18.55 «Бир жиноят изидан».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
21.30 «Хонадон».
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат».
23.10 «Мерос». Т/с.

YOSHLAR

6.55 «Аждодлар садоси».
7.00, 18.00 «Каминанинг оиласи».
7.30 «Тунги парвоз».
8.00, 15.00 «Ёшлар майдони».
9.00 «Келажак эгалари».
9.10 «Қадрдон қўшиқлар».
9.20, 19.30 «Алия». Т/с.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10 «Ёшлар ила саёҳат».
11.00 «Автопатруль».
11.20 «Yoshlar-FM».
11.30 «Нафосат олами».
11.40, 20.40 «Ёшлар навоси».
12.00, 21.10 «Жумонг». Т/с.
12.40 «Чемпион».
13.10 «Сумалак базми». В/ф.
14.00 «Пуаро». Т/с.
14.50 «Сувни асранг!».
16.10 «Шерлок Холмс». Т/с.
16.45 «Ёшлар симфонияси».
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Мультипанорама».
17.50 «Болалар табассуми».
17.55 «Болалар баҳори».
18.30, 21.55 «UzEX хабарлари».
18.35 «Мулки мумтоз».
18.55 «Тошкент – 2200».
20.15 «Тафаккур чироғи».
20.20 «Кўнмас юлдузлар».
21.00 «Юртим юраги».
22.30 «Kinomaniya».
23.00 «Ҳаёт-мамот». Т/с.
23.45 «Таскин».

TOSHKENT

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 18.50 «Эсмеральда». Т/с.
8.55, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.15, 11.20, 19.20, 20.15 «ТВ юрист».
9.20 Хор жамоасининг концерти.
9.30, 10.30, 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
9.40 «Эртамиз эгалари».
9.55, 21.45 «Ўйларим».
10.00, 19.25 Музыка SMS.
10.25, 18.25 «Биласизми?».
10.40, 20.20 «Милагрос». Т/с.
11.10, 20.50 «Интервью».
11.30 Х/ф «Арсен Люпен».
17.55 М/ф «Синдбод. Етти денгиз афсонаси».
19.50 «Экономическое ревю».
21.00 «Жозиба».
22.10 «Конун доирасида».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50 Х/ф «Западня».

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.00, 9.30, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20 «Мир природы». Д/ф.
8.30 «Малахов +».
9.50 Сериал «Татьянин день».
11.20 Самбо.
11.50 Шинкиокушинкай каратэ.
17.00 Футзал.
18.20 «Тет-а-тет».
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 «Мониторинг».
19.30 Тяжелая атлетика.
20.10 «Жаҳон шарқ яккакураш-лари фестивали».
20.30 «Бизнес-ревю».
20.40 «Баркамол авлод».
21.00 Стрельба.
21.50 «Западня». Х/ф.
23.40 Футбол.

Марказ

7.00, 8.30, 14.0, 18.00, 19.00, 20.30 Ўзбек наволари.
8.00, 15.00, 18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ».
9.30 Сериал «Замонавий она».
10.40, 20.10 Мировые хиты.
11.30 «Кто-то пролетел над гнездом кукушки». Х/ф.
15.30 Baby hits.
15.40 Мультфильм.
17.00 «Baby Terra Landiya».
17.30 «Премьера».
21.30 Сериал «24 часа».
22.20 «Остров». Х/ф.
00.50 Миксер.

Первый

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 23.15 Новости.
8.30 «Малахов +».
9.25 «Контрольная закупка».
10.00 «Убойная сила». Сериал.
11.15 «Модный приговор».
12.20 «Детективы».
13.25 «Понять. Простить».
14.20 «Бриллиантовое дело».
15.00 «Огонь любви». Сериал.
15.55 «Федеральный судья».
17.20 «Пусть говорят».
18.10 «След».
19.00 «Принцесса цирка». Сериал.
20.00, 2.00 Время.
20.30 «Апостол». Сериал.
21.25 «Человек и закон».
22.25 «Судите сами».
23.35 «Доброй ночи».
00.30, 2.30 Х/ф «Мыс страха».
3.10 Х/ф «Поверхность».

ЖУМА 25

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.00 «Сарой жавоҳири». Т/с.
7.35, 18.50, 20.50 «Минг бир ривоят».
7.40 «Дилхуш наволар».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.40, 13.55, 17.15 «Олтин мерос».
8.45, 18.05 «Қайтар дунё». Т/с.
9.30 «Изҳор».
9.35, 14.25 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида».
9.55 «Қизиқарли математика».
10.15 «Давосиз дард бўлмас».
10.40 «Қорақалпоқнома».
11.10, 20.05 «ТВ шифокор».
11.15, 20.10 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Чехраси гул Наманган».
13.00, 21.55 «Сўнгги қиролича».
14.20 «Эски альбом».
14.50 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
15.50 «Тарих кўзгуси».
16.10 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
16.35 «Қўриқонанинг тўрт фасли».
17.20 «Саломатлик дастури».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Изҳор».
18.00 «Сизнинг адвокатингиз».
18.55 «Зиё» студияси: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
21.35 «Янги наволар».
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат».
23.10 «Мерос». Т/с.

YOSHLAR

6.55 «Аждодлар садоси».
7.00, 18.00 «Каминанинг оиласи».
7.30 «Тунги парвоз».
8.00, 15.00 «Ёшлар майдони».
9.00 «Матонат».
9.10 «Қадрдон қўшиқлар».
9.20, 19.30 «Алия». Т/с.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10 «Ёшлар ила саёҳат».
11.00 «Автопатруль».
11.20 «Соғлик-бойлик».
11.40, 20.40 «Ёшлар навоси».
12.00, 21.10 «Жумонг».
12.40 «Чемпион».
13.10 «Таранум».
14.00 «Пуаро». Т/с.
14.50 «Нафосат олами».
16.10 «Совга». Б/ф.
16.45 «Ёшлар симфонияси».
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Мультипанорама».
17.50 «Болалар табассуми».
17.55 «Болалар баҳори».
18.30, 21.55 «UzEX хабарлари».
18.35 «Мулки мумтоз».
18.55 «Шарқ дарвозаси».
20.15 «Тафаккур чироғи».
20.20 «Кўнмас юлдузлар».
21.00 «Тошкент оқшоми».
22.30 «Аёлга таъзим».
22.35 «SMS-мусиқа».
23.00 «Учар ханжарлар». Б/ф.
00.45 «Таскин».

TOSHKENT

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 18.50 «Эсмеральда». Т/с.
8.55, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.15, 11.35, 19.20, 20.15 «ТВ юрист».
9.20 «Муқаддас қадамжолар».
9.30, 10.30, 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
9.40 «Тошкентда латифа».
9.45, 20.50 «Интервью».
9.55, 21.45 «Ўйларим».
10.00, 19.25 Музыка SMS.
10.25, 18.25 «Биласизми?».
10.40, 20.20 «Милагрос». Т/с.
11.10 «Экономическое ревю».
11.20 «Профессионал».
11.45 Х/ф «Западня».
17.55 «Афиша».
19.50 «Саломат бўлинг».
21.00 «Жозиба».
22.10 «Маърифат фидойилари».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50 Х/ф «Я, Сэм».

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.00, 9.30, 18.30, 22.00 «Хабарлар».
8.20 «Мир природы». Д/ф.
8.30 «Малахов +».
9.50 Сериал «Татьянин день».
11.20 Самбо.
11.50 Шинкиокушинкай каратэ.
17.00 Футзал.
18.55 «Новая экономика».
19.20 «Мусиқий тайм».
19.50 «Спортлото».
20.00, 23.05 Футбол.
22.20 «Аптека слушает».

Марказ

7.00, 8.30, 14.00, 17.30, 20.10 Ўзбек наволари.
8.00, 15.00, 18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ».
9.30, 19.00 Сериал «Замонавий она».
10.40, 17.00 Мировые хиты.
11.30 «Остров». Х/ф.
14.30 «Премьера».
15.30 Baby hits.
15.40 Мультфильм.
20.30 «Тунлар муборак».
21.30 Сериал «24 часа».
22.20 «Люди икс». Х/ф.

Первый

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00 Новости.
9.25 «Контрольная закупка».
10.00 «Убойная сила». Сериал.
11.15 «Модный приговор».
12.20 «Детективы».
13.25 «Понять. Простить».
14.20 «Похищение «Святого Луки».
15.00 «Огонь любви». Сериал.
15.55 «Федеральный судья».
17.20 «Пусть говорят».
18.05 Поле чудес.
19.00 «Баловень судьбы Юрий Яковлев».
20.00, 2.00 Время.
20.25 Х/ф «Ирония судьбы, или С легким паром!».
23.45 Х/ф «Прогулка в обл

ТУРКИЯДАГИ ФЕСТИВАЛДА

ТУРКИЯНИНГ Каппадокия шаҳрида Халқаро сайёҳлик фестивали очилди. Унда йигирмага яқин мамлакатдан, жумладан Ўзбекистондан, юзга яқин сайёҳлик фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этмоқда.

Мамлакатимизнинг сайёҳлик соҳасида фаолият юритувчи фирма ва компаниялари дунёнинг турли ҳудудларида ўтказилаётган сайёҳлик ярмарка ва фестивалларида мунтазам иштирок этиб келмоқда. Туркияда давом этаётган мазкур фестиваль ҳам Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасини янада такомиллаштириш ва чет эллик шериклар билан бевосита алоқаларни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратади.

Фестивалда "Ўзбектуризм" миллий компанияси вакиллари анжуман иштирокчиларини мамлакатимиз сайёҳлик салоҳияти билан яқиндан таништирмоқда. Хорижий сайёҳлик компаниялари билан музокара ўтказиб, юртимизга келадиган сайёҳлар сафини янада кенгайтиришга оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашиш кўзда тутилган.

ЎзА.

КУТУБХОНАДА АХБОРОТ ХИЗМАТИ

АЛИШЕР Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Республика Ахборот-кутубхона маркази билан ҳамкорликда кутубхона ишида ахборот хизматини кўрсатиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиз кутубхоналари, Ахборот-ресурс марказлари мутахассислари билан бирга Россия Миллий кутубхонаси ва Кутубхона фондларини консерациялаш федерал маркази вакиллари ҳам иштирок этди.

Беш кун давом этган мазкур семинар машғулотларида Ўзбекистон ва Россия кутубхоначилигида эришилган ютуқлар, сўнгги янгиликлар атрофлича таҳлил этилди. Бу борада келгусидаги ҳамкорлик истиқболлари, чора-тадбирлари белгилаб олинди, ўзаро фикр ва тажриба алмашинилди, ахборот-кутубхоналар, ахборот-ресурс марказлари мутахассисларининг касб малакасини оширишга эътибор қаратилди.

ЎзА.

ВАТАН – БИТТА

Ватан битта, минг бўлакка бўладиган жой эмас,
Ўн беш кунлик ой ҳам, ҳатто, битта бутун ой эмас,
Юзта булоқ йиғилса ҳам битта катта сой эмас,
Бошқа гапга ҳожат йўқдир, айтилган шу сўзим ўқдир:
Ватан – битта, Ватан – битта!!!

* * *

Йўлдан чиқсанг йўлдан чиқ,
Ушлолмаган қўлдан чиқ,
Элдан чиқма!

Узринг бўлса тўпдан чиқ,
Ёқтирмасанг кўпдан чиқ,
Элдан чиқма!

КЕНЖА ЎҒИЛ ҲАҚИДА СЎЗ

Қанча девлар,
қароқчилар,
Енголмаган кенжани.
Доим ғолиб келаверган
Қайга урса панжани.
Ҳаёт экан, шу ботирнинг
Боғлаб аввал отини,
Султон ака кенжасини
Енгиб чиқди хотини.
«Хотин қайда бўлса
эр ҳам...»
Деб ҳикматлар тузишди.
Ота турган уйдан кетиб,
Бир чизиқни чизишди.
Ота ёлғиз,
Она ёлғиз.
Қолаверди чўнқайиб.
Султон ака кенжаси ҳам,
Кетаверди анқайиб.
Биров билан
бировнинг-ку,
Иши бўлмас замон эди.
Кенжа ботир давраларда
Аввал хотин томон эди...
Қирқ йил ўтди қирқ
бир кундай,
Кенжа ботир
кўнгли доғли,
Бир кун келиб,
ўзини ҳам,
Ташлаб кетди кенжа ўғли.
Қайтар дунё, ҳамон
шундай
Ишлар бўлиб ўтаётир.
Оти боғлиқ, қўли боғлиқ,
Ботирлар ҳам кетаётир.

ТУЛПОР

Тушов солаверар оёқларига,
Қон оққан товони яра
боғлайди.
Шунчалик қаҳрига заҳар
қўшилган,
Душман ўз-ўзининг
кўнглин чоғлайди.
Оёғи боғлиқ от боғловда
қолмас,
Туёғи тагида олов ёқади...
Юз душман ичидан чиқар
югурдак,
Юз марднинг тўпидан
Тулпор чиқади.

МАЪНИСИНИ ЎЗИНГ ТОП

Ҳар ким ўз бойлигин
мақтаган чоғи
Билдирмай кўтариб
қўйдим шимимни.
Кўз-кўз қилгим келди,
ён чўнтагимда
Елка қисиб турган
уч-тўрт сўмимни.

* * *

Ишонинг-ишонманг,
Тунов кун кўзим
Иккита юзи бор
Одамни кўрди.
Бир юзи саломга
Узатди қўлни,
Бир юзи менсимай,
Кеккайиб турди.

Ҳамид НОРҚУЛ.

Айтишларича

Энг йирик маркалар тўплами АҚШ президенти Франклин Рузвельт ҳамда, Ҳиндистон давлат арбоби Жавоҳарлал Неруга тегишли бўлган экан.

Ернинг шакли аждодларимизни бир неча минг йиллар мобайнида ўйлантириб, ҳар хил афсоналар тўқишга мажбур қилган. Унинг ҳақиқий шакли эса учинчи минг йилликда пайдо бўлди. Биринчи географик глобус Нюренберг шаҳридаги музейда сақланади. Ер юзидаги қитъалар жойлашуви акс эттирилган мазкур глобус 1942 йили географ М. Бехайм томонидан ясалган.

Математик белгилар ичидаги «+» (қўшув) ва «-» (айирув) ишоралари биринчи бўлиб 1498 йилда Лейпцигда чоп этилган дарсликда пайдо бўлган. У Иогаан Видлеанн томонидан ишлаб чиқилган. Бундай белгилар дарсликларда қўлланишидан олдин фақат сўз билан, яъни «қўшув» ва «айирув» тарзида ёзиб келинган.

Энг катта илон жанубий Америка қитъасида яшайди. Улкан анаконданинг узунлиги тахминан 14 метр, тана диаметри эса 82 сантиметрга боради.

Энг узун чувалчанг Австралияда яшайди. Унинг узунлиги 3 метр, танасининг қалинлиги эса 3 сантиметрга тенгдир.

Вампир деб номланувчи саккизоёқ энг катта кўзларга эга. Танасининг узунлиги атиги 28 сантиметр бўлган мазкур жонивор кўзининг диаметри 2,5 сантиметрга тенг.

Эркак бугу шохларининг оғирлиги 10 килограммгача етади.

Ўта оч қолган бўри «бир ўтиришда» 10 килограмм гўштни паққос туширади. Одатда у ейдиган гўшт 2 килограммдан ошмайди.

Ер юзидаги ҳашаротларнинг умумий оғирлиги 2 миллиард тоннага тенгдир. Солиштириш учун мисол: ҳамма одамларнинг вазни 200 миллион тонна тош босади.

Бир асалари ошласи ёз давомида 150 килограмм асал тайёрлайди. Бир килограмм асал йиғиш учун эса асаларилар 10 миллиондан ортиқ гулга қўнишади.

Файзулла АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

Қарор ва ижро

ЮРТ СПОРТИНИНГ ЭРТАНГИ НУФУЗИ

Иккинчи мисол – узоққа бормайлик, кейинги иккиуч йилнинг ўзида ўнлаб янги, замонавий спорт иншоотлари бунёд этилди. Ҳатто, энг чекка қишлоқларда ҳам талаб-эҳтиёжга қараб, турли ўйингоҳ, спорт заллари, сузиш ҳавзалари қурилди. Энг муҳими, улар замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланиб, маҳаллий болалар мунтазам шуғулланишлари учун ҳар хил тўгараклар фаолияти йўлга қўйилди.

Тошкент вилояти ҳам ана шу хайрли саъй-ҳаракатларнинг олдинги сафида бормоқда десак, муболаға бўлмайди. Маълумки, болалар спортининг кўнгилдагидек ривожи учта омилга, яъни етарли миқдордаги молиявий таъминот, зарур спорт воситалари билан жиҳозланган иншоотлар ва мунтазам ўтказиб туриладиган мусобақаларга асосланиши лозим. Ана шу уч йўналиш бўйича барча ишлар кўнгилдагидек бораяпти, дейиш учун тўла асос бор.

Ўзбекистон Президентининг «2008 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорти объектлари қурилишининг аниқ манзилли дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга оид вилоят ҳокимлигининг қарорига мувофиқ шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда бир қатор корхона ва ташкилотларнинг 2008 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиалига ҳомийлик кўрсатиш ҳақидаги ташаббуслари маъқулланиб, ҳомийлар рўйхати ҳамда уларнинг жамғарма ҳисоб рақамига ўтказиладиган маблағлари миқдори тасдиқланди. Шунга мувофиқ жамғарманинг вилоят филиали ҳисоб рақамига 2008 йил 1 апрелгача 1 миллиард 432,7 минг сўм маблағ тушди. Таққослаш учун келтириш жоизки, 2007 йилнинг биринчи чорагида тушган маблағ 274,9 миллион сўм эди.

Болалар спортини ривожлантиришдек, давлат аҳамиятига молик муҳим масалага онгли муносабатда бўлинаётган Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ, Оҳангарон, Янгийўл шаҳарлари, Зангиота, Паркент, Пскент, Тошкент, Чиноз, Қибрай, Юқоричирчиқ туманларида белгиланган ҳомийлик маблағлари юз фоиз ўтказилди. Шунингдек, ҳомий корхона ва ташкилотларнинг бу йилги астойдил саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ. Айниқса, «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Бекободшифер», «Олмалиқ кон-металлургия комбинати», «Аммофос», «Максам Чирчиқ», «Оҳангарондон», Янгийўл «Биокимё», Қуйичирчиқ туманидаги «Балиқчи», «Тошкент телеком» очиқ акциядорлик жамиятлари болалар спортини кенг ва жадал ривожлантириш, 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат дастури доирасида болалар спорти комплексларини ўз вақтида ва сифатли қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш, спорт анжомлари билан мукаммал жиҳозлаш орқали ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом авлодни камол топтиришдек, хайрли ишларга катта ҳисса қўшмоқда.

Республика Президентининг юқоридаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2008 йилда вилоятда манзилли дастур асосида 15 та янги спорт иншоотини барпо этиш режалаштирилган. Жумладан, Тошкент туманидаги 13-умумтаълим мактабида янги спорт мажмуаси қурилади. Шунингдек, Бекобод, Бўка, Бўстонлиқ, Зангиота, Қибрай, Қуйичирчиқ, Пскент, Ўртачирчиқ, Чиноз туманлари ва Олмалиқ шаҳрида янги спорт заллари бунёд этилади. Бунинг учун 1 апрель ҳолатига ҳомий ташкилотлар 578,4 миллион сўм маблағ ажратди.

Йилнинг биринчи чорагида пудратчи ташкилотлар спорт иншоотларида 291,5 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширди. Ҳозирги кунда вилоят ҳокимлиги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси ҳомийлик маблағларининг ўз вақтида тушиши ва қурилиш-таъмирлаш ишларининг тез ва сифатли бажарилишини қатъий назорат қилмоқда.

Болалар ва ёшларни спорт билан шуғулланишга оммавий жалб этишнинг энг таъсирчан ва самарали йўли турли даражадаги мусобақаларни мунтазам ва юксак савияда ўтказиб боришдир. Жамғарманинг вилоят филиали бу масалага жиддий эътибор қаратмоқда. Шу боис 2008 йилнинг биринчи чорагида мусобақаларга 5000 нафарга яқин ўқувчиёшлар, шу жумладан, 1200 дан зиёд қизлар жалб этилди. Уларнинг 1000 нафари олис қишлоқлардаги мактабларда таълим олишади.

Жамғарма филиалининг 2008 йилга мўлжалланган спорт мусобақалари тақвим режасида вилоят шаҳар ва қишлоқларидаги мактабгача ҳамда мактаб ёшидаги ўсмир ва қизларнинг оммавий спорт турларига қизиқишини янада ошириш, мунтазам шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида январь-март ойларида 15 та спорт тадбири ўтказиш белгиланган эди. Амалда эса, ҳомий ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 36 марта спорт мусобақаси ташкил этилди. Уларни ўтказишга 52,1 миллион сўм маблағ сарфланди.

Бундай мусобақалар ёш спортчиларнинг маҳорати тез ошиб боришига хизмат қилаётир. Биргина мисол. Шу йил март ойида Чирчиқдаги Олимпия захиралари коллежи спорт мажмуасида Тошкент шаҳри, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари спортчи қизлари иштирокида республика миқёсида ҳудудий мусобақа ташкил этилди. Унда вилоятимиз шаҳар ва туманларидан 200 га яқин 13-15 ёшли қизлар қатнашди. Якуний натижаларга кўра Чирчиқ шаҳри жамоаси ғолибликни қўлга киритиб, мусобақанинг финал босқичига йўлланма олди.

Шубҳа йўқки, юқорида келтирилган рақам ва далиллар 2008 йил учун мўлжалланган чора-тадбирларнинг бошланиши, холос. Давлатимиз раҳбарининг «2008 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорти объектлари қурилишининг аниқ манзилли дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида бутун йил давомида кўплаб дастурий тадбирлар амалга оширилади.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарвоқе

ЧИМЧИМИ ЁКИ КИМЧИ?

КОРЕЯ Республикасининг деярли барча телесериалларида бир соат давомида 4-5 марта овқатланиш манзараси тасвирга олинганига гувоҳмиз. Уларда кўпроқ қайси сўз ишлатилишини эслайсизми? Ҳа, бу «кимчи» эди. Корея салатининг бизда «чимчи» деб аталишини ҳам билсангиз керак?

Кореяда қиш жуда узоқ. Қадимда иссиқхоналар йўқлиги учун қишда сабзавотни сақлаш жуда қийин бўлган. Шунинг учун қишда ҳам сабзавотларни ея олиш усулини ўйлаб топишган. Бу айнан, кимчи эди. Биз ва бутун дунё истеъмол қиладиган чимчининг ҳар хил сабзавотлардан тайёрланадиган 300 хили мавжуд. Кимчи ҳозир бутун дунёга экспорт қилинади. Айниқса, японияликлар бу салатни ёқтирганлари учун, кимчи кўргазмасида қадам босишга жой қолмайди. «Лос-Анжелес Таймс» газетасининг ёзишича, кимчи 1999 йилги 10 жуфт энг кўп истеъмол қилинадиган овқатлар сирасига киритилган.

Ҳа, кимчи йил сайин машҳур бўлиб бормоқда. Балки шунданми японлар кимчига тақлид қилиб «кимучи» деган салат тайёрлашди. Бироқ кимчи фақат иштаҳаочарлиги билангина эмас, витаминга бойлиги билан ҳам одамларга ёқиб улгурган. Хўш, уни шунчалик севиб истеъмол қилишимизга тиббиёт нима дейди?

Кимчи таркибидаги бактериялар ичак фаолияти ҳамда танамиз соғлигини муҳофаза қилиб турадиган ижобий бактериялар ҳисобланади. Улар хусусан қатиқда кўплиги учун севиб истеъмол қиламиз. Агар кимчига қизил қалампир ҳам қўшилса, ундаги бактериялар қатиқдагидан ҳам кўпайиши аниқланган. Таркибидаги зираворлар қаришнинг ва саратон касаллигининг олдини олиши мумкин.

Шу билан бирга у тана ва терини даволаш хусусиятига эга. Агар парҳез қилмоқчи бўлсангиз, бемалол кимчидан фойдаланишингиз мумкин. Чунки, у сабзавотлардан топиш қийин бўлган кальций дармондорисига бой.

Нигора АБДУРАҲМОНОВА тайёрлади.

Кулганга нима етсин

Афандининг қўшниси бир куни ундан эшагини сўраб қопти:

– Қўшни, эшагингни бериб тур, озгина буғдойим бор, шуни тегирмонга олиб бормоқчи эдим.

– Қасам ичаманки, эшак уйда йўқ, – дебди Афанди. – Бизда ҳам озгина буғдой бор эди, ўғлим тегирмонга олиб кетди.

Шу пайт оғилхонадан эшакнинг ҳанграган овози эшитилиб қопти. Шунда қўшниси дебди:

– Уялмайсанми, Афанди! Эшагинг оғилхонада турибди-ку, сен бўлсанг йўқ деб алдайсан.

Бу гапдан Афандининг жаҳли чиқиб:

– Ўзинг уялсанг бўлмайдими? Ахир менга – соколи оқарган қўшнингга ишонмай, қандайдир эшакка ишониб ўтирибсан-а.

☹ 😐 ☺

Афанди эшакдан йиқилиб тушибди. Буни кўрган болалар Афандини мазах қила бошлабди. Афанди эса ўрнидан туриб, кийим-бошларини қоқибди-да, болаларга қараб, шундай дебди:

– Кулманглар, мен барибир эшакдан тушишим керак эди.

Тошкент вилояти Адлия бошқармаси томонидан 2006 йил 1 январда Тошкент вилояти, Зангиота тумани 3-сон давлат нотариал идора нотариуси Дилобар Хуршидовна Абдураззакова номига берилган 104 рақамли хизмат гувоҳномаси ва Зангиота туман 3-сон давлат нотариал идора гербли муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чирчиқ шаҳридаги ҳажми 500 тонна бўлган музлаткич **ижарага берилади.** Ўртачирчиқ тумани Туябўғиз қўрғонида жойлашган, фойдали майдони 180 кв.м. бўлган савдо дўкони **СОТИЛАДИ.** Телефонлар: 252-11-34, 252-11-75.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

2008 йил 24 апрель куни соат 10.00 да Бекобод шаҳрида ҳамда соат 15.00 да Бекобод туманида тадбиркорлар, ишбилармонлар, кичик ва ўрта бизнес вакиллари – аҳолининг кенг қатлами учун алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги лицензиялаш масалаларига бағишланган "Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лицензиялаш масалалари" мавзусида очиқ эшиклар кунини ўтказишини маълум қилади ва барча иштирок этишни хоҳловчиларни таклиф этади.

Одамийлик шеваси

ЯХШИЛИК УРУҒИ

Мен борган меҳмонхона таъмирланаётган экан. Тунаб қолишга жой йўқ. Вақт алламаҳал бўлиб қолгани учун кўчада одам кам. Анча кутиб туриб, олдимдан чиққан биринчи кишидан меҳмонхонаси бор қўшни туманга қандай боришни сўрадим. У жавоб беришга шошилмади. Менга бошдан-оёқ разм солгач:

– Юринг, биродар, – деди. – Бизникида меҳмон бўласиз.

Мен ўнғайсизланиб қолдим. Ахир мутлақо нотаниш...

– Тортинманг, меҳмон, – деди у самимий, – қўшни туман анча олис. Ҳозир транспорт ҳам тўхтаган.

Ноилож унга эргашдим. Йўлда қаттиқ чарчаган эканман, иссиқ хонага киргач, ухлаб қолибман.

У мени эрталаб уйғотди.

– Қалай, яхши ётиб турдингизми, меҳмон? Чой тайёр, юринг.

Хонтахта атрофига ўтирдик. Дастурхон ноз-неъматга тўла. Беихтиёр бу сахий кишининг қалбини шу тўкин дастурхонга қиёс қилдим.

– Сутга асал солиб ичинг, – деди у. – Кечаси билан йўталиб чиқдингиз. Шамоллабсиз шекилли. Даво бўлади. Ўзимизда сигир йўқ. Лекин қўшниларда бор. Барака топгурлар ҳар куни битта косада чиқариб туришади. Оқибатли қўшни яхшида, меҳмон.

Нонуштадан кейин хайрлашдик. Хизмат сафарим ҳам тугади, топшириқ бажарилди. Йўл чарчоғи, борган жойимдаги баъзи дилхиракликларнинг ҳаммаси унутила борди. Аммо ўша кишининг яхшилиги...

Ҳар гал шу воқеани эсласам, ўзимга-ўзим савол бераман. Мен ўзгага яхшилик қилдимми? Бир бурда нонимни бировга беминнат тутдимми? Ҳисоб-китобли меҳмондорчиликдан бўлак бирор кишини уйимга таклиф этдимми? Эслолмайман...

Мен шундай яшадим. Ўзим билан ўзим... Ўша кеча эса қалбимга яхшилик уруғи сепилди.

Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ.

Рассом ҳандаси

– Дўхтиржон, илтимос тишимни кўриб қўйинг, жуда оғрияпти.

– Ҳушёр бўлинг, сиз тўғридан тўғри эфирдасиз!

www.karikatura.ru

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-340. Адади 9050. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.10. 1 2 3 4 6 7 8